
ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ “ЗАКОВАТ” ДА БЕЛЛАШДИ

Фарғона шаҳридаги Ислоом Каримов номидаги вилоят театр-концерт саройида вилоят ҳокими кубоги учун давлат хизматчилари ўртасида "Заковат" интеллектуал ўйини бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона филиали ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда 40 та жамоа куч синашди.

Мусобақада вилоят ҳокимининг ўринбосари Шерзод Раҳимов, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона филиали раҳбари Аҳаджон Акбаров давлат хизматчиларини билимли, маърифатли бўлишида бу каби тадбирларнинг аҳамияти беқиёс эканлигини таъкидлади.

Қизғин ва дўстона руҳда бўлиб ўтган ўйинда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармасининг жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси жамоаси иккинчи, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-14 21:27:56